

2022 йил "22" айнчег

Андижон шахри

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжинииринг компанияси” ДУК Андижон вилояти худудий филиали раҳбари А.Мирзабоев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Гигант строй инвест” МЧЖ номидан Низом асосида дирекори Д.Мамажонов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Тарифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар:

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вактинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари кийматининг аник белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини боскичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ Бешкарам кўчаси 2 уй ва Кўргонтепа тумани Ўйингоҳ кўчаси 2 -сонли кўп қаватли уйларнинг туташ худудларида 131 кв.м тротуарларни бетон қопламаси билан қоплаш, 1 дона болалар майдончасини қуриш ишлари” обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, ularни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил лот раками “134155” электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 79 600 000 (етмиш тўккиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “ 1 ” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариши ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада пазарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

Ишларнинг бошланиши 2022 йил 22 август, тугатилиши 2022 йил 31 декабр.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда шартнома конун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни** ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 23 880 000 (йигирма уч миллион саккиз юз саксон минг) сўм эллик тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул килингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул килинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг камидаги 45 фоизи микдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоиз молиялаштириш амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 25 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани билан томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод килинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишларни жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни

боғлаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нұқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг түгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги түгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар ёпилган ишлар далолатномасида Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик ёпилган ишлар далолатномасининг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини кўриклиш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга кадар четлари тўйсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор килинишини талаб қилишга ҳаклиdir.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартиба мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 (беш) кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофик Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажариши;
- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниqlанган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилинишини;
- объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камиде 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айбиган бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқукига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида,

бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вактида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

60. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида Пудратчидан жарима ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, молмулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан бўлса ҳакиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

72. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукуқий кучга киради.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БУЮРТМАЧИ”

Номи: “Кўп хонадонли уйларни муқаммал ва жорий таъмиrlаш ҳамда иссиқлик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжинириинг компанияси” ДУК Андижон вилояти ҳудудий филиали Андижон шаҳар, Ломоносов кўчаси 2-үй
Ш/Х 100021860034017069902110040

ИНН : 307 905 093

Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Фазначилиги

Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент
Х/Р 23402000300100001010

МФО: 00014

ИНН : 201122919

Индекс: 170132

Бошлиқ:  А.Мирзабоев

Хуқуқшунос:

YURIDIK XULOSA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI "XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTALAR FAOLIYATINING SHARTNOMAVIY HUQUQIY BAZASI" TO'C'RISIDAGI QONUNNING 21-MODDASIGA BINDAN USHBU SHARTNOMA HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI.
MAZKUR SHARTNOMA AMALDAGI QONUNCHILIK HUJJATLARI TALABLARIGA MUVOFIQ TUZILGAN.

YURIST:  «___» 20 ___ yil

“ПУДРАТЧИ”

Номи: “Гигант строй инвест” МЧЖ

Манзили: Андижон ш., Ломоносов кўча,
2-үй.

Банк номи: Транстбанк Андижон
филиали

Х/Р: 20 20 80 00 40 06 56 35 90 01

МФО:01074

ИНН:304249588

ОКНХ: 61110

Тел: 97 580 0072

Индекс:

Рахбар

Д.Мамажонов

